

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВА НАРГИЗА УТКУРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН
АССОЦИРЛАНГАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШГА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.06 – Кардиология

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Махкамова Наргиза Уткуровна

Сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан ассоциирланган артериал гипертензиянинг клиник-патогенетик хусусиятлари ва даволашга дифференциал ёндашув 3

Махкамова Наргиза Уткуровна

Клинико-патогенетические особенности и дифференцированные подходы к лечению артериальной гипертензии, ассоциированной с хронической цереброваскулярной недостаточностью 27

Makhkamova Nargiza Utkurovna

Clinical pathogenetic features and the differentiated approaches to treatment of the arterial hypertension associated with chronic cerebrovascular insufficiency..... 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26.04.2018.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВА НАРГИЗА УТКУРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР ЕТИШМОВЧИЛИК БИЛАН
АССОЦИРЛАНГАН АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯНИНГ КЛИНИК-
ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШГА
ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.06 – Кардиология

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Tib273 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cardiocenter.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гафуров Бахтиёр Гафурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мурадов Фахмиддин Хайриддинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Тулабаева Гавхар Миракбаровна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Сабиров Ибрагим Самижонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc 26.04.2018. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__»_____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Осиё кўчаси4-уй. Тел./факс: (99871) 237-38-16; e-mail: info.rsc_kardio@minzdrav.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Ташкент шаҳри Осиё кўчаси4-уй. Тел./факс: (99871) 237-38-16.

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__»_____ даги __ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашраиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc)аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляар касалликлар бутун дунё тиббиёт соҳасининг долзарб муаммоларидан бири саналади. Бош мия инсульти ногиронликнинг асосий сабабларидан бўлиб, артериал гипертонияли беморларда унинг юзага келиши 4–5 баробар юқори. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари башоратига кўра «жаҳонда ҳар йили 10 миллионга яқин инсулт ташхис қилинади ваулардан ҳар йили 4,7 млн дан ортиқ киши вафот этади, 10–20% киши иш фаолиятига қайтади, 8% игина мутахассислигини сақлаб қолади, 25%и ёрдамга муҳтож бўлади, 25–30% ида деменция ривожланади»¹. Қайд этиш керакки, инсултгача бўлган сурункали цереброваскуляар асоратлари (СЦВА) бўлган артериал гипертензия (АГ)ли «беморларни кўп омилли профилактика қилиш ва даволашнинг замонавий тизимини барпо этишгина цереброваскуляар ўлим ҳолатини 20% дан ортиқроқ камайтириш имконини беради»². Ҳозирги вақтда АГнинг энг оғир асоратларидан бўлган бош мия инсульти ва СЦВАларнинг ҳаётга хавф солиши тиббиёт тизимидаги долзарб муаммолардан бирига айланган.

Жаҳонда цереброваскуляар касалликларни эрта аниқлашда янгича ёндашувлар ва дифференциал даволаш услубларини қўллаш билан юқори натижаларга эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, артериал гипертония билан боғлиқ бўлган бош мия ўткир ва сурункали ишемияси, деменцияларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни эрта ташхислашда скрининг текширувини амалиётга татбиқ этиб, касалликни бошланғич давридан самарали оптимал даволаш тактикасини қўллаш, олинган натижалар асосида тавсияномалар ишлаб чиқиш, асоратлар ривожланишининг олдини олиш, инсонлар турмуш тарзи, ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Амалиётга диагностиканинг молекуляр-генетик технологияларини татбиқ этиш, ўз вақтида юқори хавф гуруҳларини аниқлаб, уларда АГнинг бош мия қон-томир касалликларининг индивидуал диагностикаси, даволаш ва профилактикаси самарадорлигини янада ошириш имкониятини беради.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли касалланиш даражасини пасайтириш ва ҳаёт

¹World health statistics. World Health Organization, 2017.

²Basile A, Pantoni L, Pracucci G, et al. Age, Hypertension and Lacunar Stroke Are the Major Determinants of the Severity of Age-Related White Matter Changes. The LADIS (Leukoaraiosis and Disability in the Elderly) Study. Cerebrovascular Diseases 2006;21:315-22.

давомийлигини узайтиришни таъминлаш»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда кардиология ва неврология соҳаларини изчил ривожлантириш, юрак-қон томир касалликлари сабабли ўлим ҳолати ва ногиронликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва уларни соғлиқни сақлашнинг барча бўғинларига татбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071 сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Сурункали цереброваскуляр касалликлар билан бирга АГ патогенези, диагностикаси ва ўзига хос молекуляр-генетик хусусиятларини ҳамда даволаш тактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Centre for the Prevention of Stroke and Dementia (Лондон, Англия), ESO (European Stroke Organisation) (Швейцария), Department of Epidemiology and Health Statistics, School of Public Health, University of Alabama at Birmingham (АҚШ), Department of Internal Medicine, Hypertension and Vascular Research Division, Henry Ford Hospital, Detroit, MI (АҚШ), Cell and Molecular Biology Laboratory, Department of Cellular Biology & Pharmacology, Cardiovascular Genetics Unit, Cardiology Division, Department of Medicine, University of Utah School of Medicine (АҚШ), Пирогов номидаги Россия геронтология илмий-клиник маркази РИГТМ (Россия Федерацияси), Томск Тиббий генетика ИТИ (Россия Федерацияси), Витебск давлат тиббиёт университети (Белорусь Республикаси), Республика ихтисослаштирилган Кардиология илмий-амалий тиббиёт Маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

²Диссертация бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида шакллантирилган: www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed, www.who.int, www.stroke.ox.ac.uk, <http://www.eso-stroke.org>, www.medscape.com, www.consilium-medicum.com, www.ohri.ca/prograë_msclinical_epidemiology/, www.cardiosite.ru, <http://elib.vsmu.by/handle/123/11088>, www.medgenetics.ru.

Жаҳонда АГ да ЦВК патогенези, диагностикаси ва даволаш, шунингдек, генетик омилларни ўрганиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида цереброваскуляр патология ривожланишида асосий хавф омилларидан АГ ва бўлмачалар фибрилляцияси, ўткир коронар синдромда тамаки чекиш, гиперлипидемия ва қандли диабетнинг муҳим аҳамият касб этиши аниқланган (Oxford Vascular Study); АГли беморларда юрак чап қоринчагипертрофияси (ЧҚГ) ва симптомсиз церебрал бузилишлар ўртасида ўзаро боғлиқликлар борлиги ва концентрик ЧҚГ беморда марказий асаб тизимининг клиник белгилари ривожлангунича шикастланиш мавжудлиги предиктори эканлиги аниқланган (K.Kohara, Japan); ультратовуш технологияларини қўллаган ҳолда липидлар даражаси, экстракраниал каротид атеросклероз ва уйқу артериялари «интим-медиа» комплекси қалинлиги ўртасида бевосита боғлиқлик (D.O'Leary et al.; J.Fine-Edelstein et al., 1994) ҳамда АГ цереброваскуляр асоратларининг молекуляр-генетик детерминанталари аниқланган (Cardiovascular Genetics Unit, Cardiology Division, Department of Medicine, University of Utah School of Medicine, USA; Human Genomics Laboratory, Pennington Biomedical Research Center, Louisiana State University System, Baton Rouge, LA, USA).

Бугунги кундажаҳон миқёсида АГнинг аъзо асоратлари қон-томир хасталиклари келиб чиқишида иштирок этувчи генларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, башоратлаш ва даволаш бўйича замонавий тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, бош мия қон-томирлари касалликларини келтириб чиқарувчи генетик полиморфизмларни аниқлаш; АГли беморларда бош мия ишемияси ривожланишининг хавф стратификациясини аниқлаш; дифференцияланган профилактика ва фармакотерапия услубларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда АГ ва атеросклерознинг ҳам ўткир, ҳам сурункали асоратлари ривожланиши, диагностикаси ва даволаниши муаммосига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда (Верещагин Н.В., 1997; Гусев Е.И., 2001; Stamler J. 1993; Skoog I., 2000). Бир неча ўн йил давом этган йирик Фремингем тадқиқоти натижалари шуни кўрсатдики, юқори АБ популяциян юрак-қон томир хавфига энг катта мустақил улуш қўшади ва АБ назорати инсулт хавфининг энг муваффақиятли стратегиясида марказий ўринни эгаллайди (W.Kannel et al., 1981). Ўз ичига 450000 нафар беморни олган 45 та проспектив тадқиқотнинг мета-таҳлилида аниқландики, диастолик АБ (ДАБ) нинг ҳар 10 мм сим.уст. га кўтарилишида инсулт ривожланиши хавфи 1,95 мартагача ортади (Prospective Studies Collaboration, 1995). Антигипертензив препаратларнинг турли синфлари ўрганилган энг кенг қўламли Antihypertensive and Lipid-Lowering to Prevent Heart Attack Trial (ALLHAT) тадқиқотида аниқланишича, дигидропиридин қаторидаги кальций антагонисти амлодипин АЎФ ингибитори лизиноприлга, диуретик хлорталидон ва альфа-адреноблокатор доксазозинга нисбатан инсулт

хавфини кўпроқ даражада камайтирган (The ALLHAT, 2002). Яна бир бошқа тадқиқотнинг мақсади иккита замонавий антигипертензив препарат – кальций антагонисти амлодипин ва ангиотензин рецепторлари блокатори валсартаннинг юрак-қон томир касалликлари билан хасталаниш ва улардан бўлган ўлим даражаси, иккиламчи охирги нуқталари – фатал ва нофатал инсульт муносабатида самарадорлигини таққослашдан иборат бўлган. Тадқиқот натижаларига асосланиб хулоса қилиш мумкинки, АГли беморларда АБнинг қатъиян эрта назоратига эришиш юрак-қон томир башорати яхшиланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Тасдиқландики, инсультлар миокард инфарктларига нисбатан кўпроқ АБга боғлиқ асорат бўлиб ҳисобланади (Valsartan Antihypertensive Long-term Use Evaluatin (VALUE), 2004).

Ҳаётнинг ўртасида пайдо бўлган АГ кекса ёшда когнитив бузилишлар ва деменция предиктори ҳисобланишини исботлаган бир қатор клиник ва эпидемиологик тадқиқотлар мавжуд (Edmin G.A., Rothwell P.M., Salimi-Khorshidi G. et al., 2016; Ninomiya T., Ohara T., Hirakawa Y. et al., 2011). Шу билан бирга антигипертензив терапия (АГТ)нинг когнитив фаолиятга таъсири тўғрисидаги маълумотлар етарли эмас ва улар қарама-қаршилиқларга эга. АГТнинг когнитив функцияга таъсири тўғрисидаги 12 та тадқиқотнинг мета-таҳлили кўрсатишича, АБнинг пасайиши когнитив бузилишлар 9% га камайишига олиб келади (Levi Marpillat N., Macquin-Mavier I., Tropeano A. et al., 2013). Бошқа тадқиқотда кўрсатилганки, 4 йил давомида АБни назорат қилиш бош мия оқ моддаси шикастланиши ва когнитив бузилишлар кўринишидаги асоратларнинг камайишига ёрдам берган (Godin O., Tzourio C., Maillard P. et al., 2013). «Охирги нуқта»ларни рўйхатга олиш йўли билан АГга қарши курашиш дастури самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган ишларда кўрсатилганки, текширилаётган туманда умумий ўлимнинг ўртача йиллик кўрсаткичи ҳар 1000 нафар аҳолига 4,4 нафар, солиштириш туманида эса 7,5 нафарни ташкил қилди. Тадқиқот натижаларига кўра тажриба туманидаги миокард инфаркти ва мия инсультдан содир бўлган деярли барча ўлим ҳоллари таклиф қилинган даволаш ва АБни назорат қилишни рад этган беморлар гуруҳига тўғри келган. Муаллифлар томонидан 3 йил ичида мунтазам даволанганлар орасида бирорта ҳам миокард инфаркти ва мия инсульт ҳолати қайд этилмаган (Суслина З.А., Варакин Ю.Я., Максимова М.Ю., 2004).

Ўзбекистонда охирги вақтда олимлар томонидан АГ, хавф омиллари (ХО) тарқалганлиги ва уларнинг ўлим даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш (Курбанов Р.Д., Мамутов Р.Ш., 2003), АГ, ЮИКнинг молекуляр-генетик (Шек А.Б., Хамидуллаева Г.А., 2009), АГ терапиясининг фармакогенетик жиҳатларига бағишланган кўп сонли тадқиқотлар ўтказилмоқда. Олиб борилган илмий изланишлар асосида ACE гени ID полиморфизми ва АПОЕ гени ε4 аллели билан қон томир девори тузилма ўзгаришлари ва атеросклероз ривожланиши ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг «Кардиоцеребрал патолог» ва «Артериал гипертензия» лабораториялари илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ АДСС 13.2 амалий гранти доирасида «Баъзи генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда артериал гипертониянинг цереброваскуляр асоратлари дифференциал терапияси ва профилактикасини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади артериал гипертония билан асоциирланган сурункали цереброваскуляр етишмовчиликнинг клиник-патогенетик ва молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш, уларнинг фармакотерапиясига дифференциал ёндашувларни такомиллаштириш йўллариини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дисциркулятор энцефалопатия ривожланиши бўлган АГли беморларда клиник-анамнестик ва нейрокогнитив тавсифномалар, шунингдек, хавф омиллари тузилмасини таҳлил қилиш;

артериал босим суткалик динамикаси хусусиятларининг дисциркулятор энцефалопатия клиник кечиши билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

дисциркулятор энцефалопатиянинг босқичига кўра марказий гемодинамика хусусиятлари ва уйқу артериялари тузилишидаги ўзгаришларни аниқлаш;

дисциркулятор энцефалопатияли артериал гипертонияси бор беморларда АЎФ, АПОЕ, NO – синтазагенлари тарқалганлик даражаси ва полиморфизмларининг ўзаро боғлиқликларини аниқлаш;

артериал гипертонияли беморларда сурункали цереброваскуляр касалликлар терапиясини оптималлаштириш имкониятларини аниқлаш;

цереброваскуляр етишмовчилик ривожланган артериал гипертонияли беморларни ташхислаш ва даволаш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказида I–III даражали АГли (ESC/ESH, 2013) бош мия сурункали ишемияси бор 218 нафар беморлар танлаб олинган. Назорат гуруҳини ўзбек миллатига мансуб 59 нафар соғлом шахслар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб анамнез, физикал маълумотлар, углеводлар ва липидлар алмашинуви кўрсаткичлари, марказий гемодинамика кўрсаткичлари, қон томир девори (уйқу артерияси) тузилма кўрсаткичлари, беморлар ва соғлом шахсларнинг қон зардобиди ДНК генотиплаш, психологик ва нейрокогнитив ҳолатни ўрганувчи Спилбергер–Ханин, Цунга сўровномалари ва MMSE шкаласи натижалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик, нейропсихологик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор артериал гипертензияли беморларда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш омили сифатида қон-босим суткалик профилининг кўрсаткичларидан «нон-диппер», «найт-пиккер» ва пульсли АБ юқори бўлиши ва АГ давомийлиги аниқланган;

Артериал гипертензияли беморларда нишон аъзоларнинг шикастланиш даражаси (диастолик дисфункция, ҳажмли қон оқими, артериялар қаттиқлиги индексининг ўзгаришлари, бир ва икки томонлама атеросклеротик бляшкалар) ва сурункали цереброваскуляр ишемия ҳамда когнитив бузилишлар ўртасидаги боғлиқлик асосланган;

илк бор ACE гени I/D полиморфизми D-аллели ва DD генотиби, АПОЕ гени $\epsilon 2/\epsilon 3/\epsilon 4$ полиморфизми $\epsilon 4$ -аллели, eNOS гени 4a/4b полиморфизми 4a-аллели ва 4a/4a генотиби ўзбек миллатига мансуб АГли беморларда цереброваскуляр касалликлар ривожланишида шикастловчи омиллар эканлиги аниқланган;

АГли беморлардаги цереброваскуляр ишемия босқичини ҳисобга олган ҳолда антигипертензив воситаларнинг вазоактив ва нейропротектив хусусиятларга эга воситаларнинг беморларда когнитив ўзгаришларни даволашдаги ижобий роли аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Артериал гипертензияли беморларда цереброваскуляр касалликлар ривожланишини эрта аниқлаш ва ўз вақтида профилактика қилиш мақсадида артериал босимни суткалик мониторинг, магистрал қон томирларнинг ультратовуш текшируви, ДНКни генотиплаш ўтказиш зарурлиги кўрсатилган;

цереброваскуляр касалликлари бор АГли беморларда шахсий ва реактив хавотирлик, депрессия кўринишида руҳий-эмоционал ҳолат ўзгаришлари мавжуд бўлиши мумкин. Шу муносабат билан артериал гипертонияли беморларни текшириш режасига нейрпсихологик синамаларни киритиш билан касалликни эрта босқичида аниқлаш имконияти яратилган;

цереброваскуляр етишмовчилик намоён бўлган артериал гипертонияли беморларга мақсад қилинган АБ даражасига эришиш ва АБнинг суткалик профилини нормаллаштириш учун аъзопротектив хусусиятларга эга комбинацияли антигипертензив терапияни нейропротектив препаратлар билан биргаликда тайинлаш касалликнинг жадаллашуви ва ўткир асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган услубларнинг аниқлиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-биокимёвий, инструментал, молекуляр-генетик ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, АГли беморларнинг суткалик АБ профили, қон томирлар ремоделланиши ва психопатологик ҳамда когнитив статусини аниқлаш билан бирга комплекс текшириш цереброваскуляр етишмовчиликнинг тараққий этишини башорат қилишга имкон берди.Кўрсатилган патология кечишининг оғирлигини башоратлаш мақсадида артериал босимни суткалик мониторинг (АБСМ), нейрпсихологик статусни текшириш, шунингдек, беморларни АСЕ, АПОЕ ва NO- синтаза генларининг нохуш генотиплари ва аллеллари ташилишига генотиплашни ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, қон томирлар ремоделланиши валипидлар алмашинувида иштирок этадиган генлар полиморфизминини аниқлаш, индивидуал дифференциал антигипертензив ва нейрометаболик терапияни биргаликда қўллаб оптималлаштириш,асоратлар (деменция, мия инсульти) жадаллашинининг олдини олишга ҳисса қўшган ва сурункали цереброваскуляр асоратлари бўлган артериал гипертония билан касалланган ҳар бир бемор учун мавжуд хавф омиллари ҳамда генетик полиморфизмлар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишда самарали гипотензив терапия турини танлаш учун мўлжалланган дастурий маҳсулот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан ассоциирланган артериал гипертензиянинг клиник-патогенетик ва генетик хусусиятлари, дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий натижалар асосида:

«Артериал гипертониянинг цереброваскуляр асоратлари диагностикаси ва терапиясини оптималлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 8н-з/132-сон хулосаси).Мазкур услубий тавсияномада ишлаб чиқилган маълумотларнинг амалда жорий этилиши миянинг сурункали ишемияси бўлган АГли беморларда базис терапиянинг антиагрегант ва гиполипидемик препаратлар билан биргаликда қўлланилиши ижобий самарасини кўрсатган.

«Сурункали цереброваскуляр асоратлари бор артериал гипертонияли беморларда нейропротекциянинг инсулт ва когнитив бузилишлар профилактикасидаги роли» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 8н-з/132-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсияномада ишлаб чиқилган маълумотларнинг амалда жорий этилиши миянинг сурункали ишемияси бўлган АГли беморларда базис терапия билан биргаликда комбинирланган нейропротекция қўлланилиши бош мия ишемиясига ижобий таъсир кўрсатиб, цереброваскуляр хавфни максимал даражада пасайтиришга эришилган.

Артериал гипертензияда сурункали цереброваскуляр етишмовчиликнинг клиник-патогенетик хусусиятлари, генетик омилларнинг касаллик юзага келиши ва ривожланишидаги диагностик аҳамияти ва фармакотерапияни

оптималлаштириш бўйича олинган тадқиқот натижаларининг тегишли қисмлари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент ва Жиззах вилоятлари кардиология диспансерлари амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 8н-з/132-сон хулосаси). Илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши АГнинг цереброваскуляр асоратларини эрта ташхислаш, касаллик кечишини ўз вақтида клиник баҳолаш, даволашга самарали ёндашиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва бош мия инсулти ҳамда деменция ривожланиши натижасида келиб чиқадиган ногиронлик даражасини камайтириш, госпитализация ва реабилитация учун кетадиган маблағларни қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 16 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий наشرларда 20 та мақола, жумладан, 18 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 5та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали цереброваскуляр етишмовчилиги билан шартланган артериал гипертензиянинг клиник-патогенетик хусусиятлари ва даволашга дифференциал ёндашув**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзусига оид регионар ва халқаро илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили ўтказилган. Адабиётлар мунозараси 6 та кичик бобдан иборат бўлиб, уларда артериал гипертониянинг цереброваскуляр асоратлари ривожланиши патогенетик механизмлари бўйича маълумотлар, диагностика ва терапия услублари келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан ассоциирланган артериал гипертензияли беморлар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва услублари баён қилинган, тадқиқотга киритилган ЦВК

бўлган АГли беморларда қўлланилган услублар тавсифномаси, шунингдек, олинган натижаларни баҳолашда фойдаланилган статистик услублар тақдим этилган. Илмий иш 2003–2014 йилларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази базасида бажарилган.

Дисциркулятор энцефалопатия (ДЭ) белгилари бўлган I–III даражали артериал гипертензияли (ЕКЖ/ЕГЖ, 2013; БРКИЖ, 2003) (Г.А.Максудов, Е.В.Шмидт, Е.И.Гусев, Н.В.Верещагин, Н.Н.Яхно) жами 218 нафар бемор текширувдан ўтказилди. Беморларнинг ўртача ёши $54,4 \pm 9,2$, ўртача касаллик давомийлиги $10,5 \pm 7,3$ йилни ташкил қилди. Назорат гуруҳини иккала жинсга мансуб ёш бўйича таққослама бўлган 59 нафар соғлом шахс ташкил қилди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари куйидагилардан иборат бўлди: симптоматик артериал гипертензия, III–IV ФС зўриқиш стенокардияси, II–III босқичдаги сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ); юрак ритми бузилишлари мавжуд беморлар; ўткир коронар синдром; анамнезда миянинг ўткир бузилишлари ва инфарктдан кейинги кардиосклероз, қандли диабет, моддалар алмашинувининг оғир бузилишлари, буйрак ва жигар етишмовчилиги, шунингдек, оғир ёндош касалликларнинг мавжудлиги.

Оилавий анамнезни баҳолаш беморни БЖСТнинг «Оилавий анамнез» стандарт сўровномаси ёрдамида суҳбат асосида ўтказилди. I-даражали авлод қариндошлари (ота-она, қондош ака-укалар ва опа-сингиллар, фарзандлар)да миокард инфаркти ёки инсультдан ўлим ҳоллари, ўтказилган мия қон айланиши бузилишлари ёки миокард инфаркти мавжудлиги, артериал гипертензия борлиги қайд этилди. Беморда 2 ва ундан кўп шикастланган қариндошларнинг мавжудлигида оилавий анамнез оғирлашган деб ҳисобланди.

Барча беморларда АБнинг офис ўлчаниши ўтказилган бўлиб, бунда бемор ўтирган ҳолда Коротков услуби бўйича 3 маротаба АБ ўлчамларининг ўртачаси ҳисоблаб чиқарилди. Шартланган клиник ҳолатлар орасидан ЮИКнинг мавжудлиги, қўшимча антиангинал ва антиишемик терапия талаб этилмайдиган I–II ФС зўриқиш стенокардияси, аввал анамнезда ТИА мавжудлиги истисно қилинмади. Антропометрик кўрсаткичлар (бўй ва вазн) ўлчанди, улар асосида тана вазни индекси ҳисоблаб чиқарилди. Барча беморларда ўз ичига липид спектри, қондаги глюкоза, қоннинг ивиш тизими кўрсаткичлари, АБни суткалик мониторинг, эхокардиография, уйқу артерияларининг экстракраниал қисмини дуплекс сканерлашни киритган тадқиқотнинг лаборатор ва инструментал услублари ўтказилди.

Молекуляр-генетик текширув учун илмий ишда 190 нафар ЦВК бўлган АГли беморнинг ДНК намуналари қўлланилди. Назорат гуруҳини беморлар билан ёш бўйича таққослама бўлган ва АГ бўйича оғирлашган ирсиятга эга бўлмаган 59 нафар шахс ташкил қилди. ПЦР –ПДРФ ёрдамида ACE (I/D), АПОЕ ($\epsilon 2, \epsilon 3, \epsilon 4$), эндотелиал NO синтаза (4a) генлари полиморфизмлари аниқланди.

Барча 218 нафар бемор антигипертензив препаратлар билан ўтказилган 12 ҳафталик терапияда кузатилди, беморлар терапиянинг 3 та гуруҳига

ажратилди. Биринчи гуруҳ лерканидипин билан периндоприл комбинацияси (n=91), иккинчи гуруҳ валсартан билан индапамид комбинацияси (n=92), учинчи гуруҳ (n=35) комбинацияли антигипертензив терапия фониди кўшимча вазоактив ва нейротроп (винпоцетин билан цитиколин) терапиясини қабул қилдилар. Юқорида кўрсатилган препаратлардан ташқари барча беморлар антиагрегант (ацетилсалицил кислотаси) ва гиполипидемик терапия (аторвастатин) олди. Динамикада қайта текширув баённома бўйича 12 ҳафтадан кейин ўтказилди.

Рақамли маълумотларнинг тақсимланиши b нормал қонуниятига мувофиқлиги баҳоланди. Танланган арифметик X; танланган стандарт чекланиш – SD аниқланди. Натижалар $M \pm SD$ кўринишида тақдим этилди. Корреляцион таҳлил Спирман услуби бўйича ўтказилди. Таққосланаётган мустақил ва боғлиқ бўлган танловларнинг ўртача қийматлари ўртасидаги фарқларни баҳолаш бир омилли «ANOVA» таҳлили бўйича ўтказилди. Сифат белгилари ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини таҳлил қилиш учун χ^2 мезонидан фойдаланилди, бунда 2x2 ўлчамли жадваллар учун ва бирорта белгининг қиймати <5 бўлганда Фишернинг аниқ мезони қўлланилди. Харди–Веинберг мувозанатидан чекланиш ва иккита гуруҳ ўртасида аллеллар тақсимланишидаги фарқ 1-даражали эркинлик (df) бўлган χ^2 синамаси ёрдамида баҳоланди. «Ҳодиса-назорат» гуруҳлари ўртасида генотиплар тақсимланишидаги фарқ 2-даражали эркинлик (2df) бўлган χ^2 синамаси ёрдамида баҳоланди. ДЭли аллеллар ва генотиплар ўртасидаги шартланиш 95% ли ишончли интервал билан «OddsRatios» (ORs) нисбатлар фарқини қўллаган ҳолда текширилди. Эндотелиал статуснинг мослашган ORsни дихотомик боғлиқ вариация сифатида баҳолаш тартибида кўпайтирилган логик регрессия модели қўлланилди. Барча қўлланилган таҳлиллар учун ишончли даража сифатида $p < 0,05$ белгиланди. Олинган натижаларнинг статистик ишлови Microsoft Office Excel –2007 ва «Statistica Soft 6,0» дастури ёрдамида бажарилди. Ҳисоблашлар онлайн дастурлар ёрдамида: <http://medstatistic.ru/calculators/calcodds.html>; нисбий хавфни (OR) баҳолаш мақсадида http://genexpr.ru/calculator_or.php сайтида Россия Федерацияси «Генетика давлат ИТИ» давлат илмий маркази томонидан барпо этилган «Ҳолат-назорат» тадқиқотларида статистиканинг ишлови учун калькулятор онлайн дастури қўлланилди.

Диссертациянинг «**Артериал гипертонияли беморларда сурункали цереброваскуляр касалликларнинг ўзига хос клиник-патогенетик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида АГли беморларда бош мия шикастланиш хавф омиллари ва клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Таҳлил қилиш учун барча текширилган 218 нафар бемор дисциркулятор энцефалопатия босқичи бўйича 3 та гуруҳга ажратилди: I босқичдаги ДЭ – 58 нафар бемор, II босқичдаги ДЭ – 89 нафар бемор ва III босқичдаги ДЭ – 71 нафар бемор. Беморларнинг ўртача ёши $54,4 \pm 9,2$, касалликнинг ўртача давомийлиги $10,5 \pm 7,3$ йилни ташкил қилди. Хавф омилларининг учраши тезланишини таҳлил қилганда жинс, ёш каби

Ўзгартириб бўлмайдиган хавф омиллари аниқланди: текширилган шахсларнинг 44% ини ≥ 55 ёшдаги эркаклар ва 45% ини ≥ 65 ёшдаги аёллар ташкил қилди. Текширилган гуруҳда 99 нафар (45,4%) бемор оғирлашган оилавий анамнезга эга бўлмаган ва 119 нафар (54,6%) беморда оғирлашган оилавий анамнез бўлган. Текширилаётган беморлар популяциясида ўзгартириб бўладиган хавф омилларидан максимал тезланиш билан III босқичдаги ДЭ гуруҳида тамаки чекиш 24,8%, ортикча тана вазни 39,9% ни ташкил қилган. Охириги пайтда юрак-қон томир касалликлари ривожланишида овқатланиш омилига катта аҳамият берилмоқда, текширилаётган беморларнинг 59,2%и тавсия этилган парҳезга риоя қилмади, 81,2% беморда психоэмоционал зўриқишлар қайд этилди. Муҳимхавф омилларидан бири – гиперхолестеринемия 64,7% шахсда аниқланди. Анамнезда ЮИК ва ТИА каби шартланган патологиялар жами 43,6% ва 28,2% беморда кузатилди. Анамнезда ЮИК ва ТИА мавжудлиги бўйича ишончли юқори кўрсаткичлар III босқичдаги ДЭ беморларида қайд этилди.

Ёш бўйича хавф омилларининг тарқалганлигини таҳлил қилишда аниқландики, тамаки чекиш, алкогольни суиистеъмол қилиш, оғирлашган ирсият ёшроқ –31–44 ёшдаги беморларда, психоэмоционал зўриқишлар эса каттароқ –45–59 ёшдаги беморларда ишончли равишда кўпроқ кузатилди. Шартланган ҳолатлар – анамнезда ЮИК ва ТИА мавжудлиги ёш катта бўлган сари ортган ва 60–74 ёшдаги беморлар гуруҳида энг юқори бўлди.

Умумий популяцияда беморларни АГ даражалари бўйича тақсимлаш шуни кўрсатдики, 1- ва 2-даражали АГ 37,2% беморда бир хилда кўп учраган, 3-даражали АГ эса 25,7% беморда аниқланган ($\chi^2=8,60$; $p=0,01$). АГ даражасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинганда ДЭ босқичи ортиши билан бирга АГнинг юқори даражалари учрашининг тезланиши ошиши аниқланди. I ва III босқичдаги ДЭ да 3-даражали АГ I босқичдаги ДЭ дагидан кўпроқ кузатилган ($\chi^2=14,0$; $p<0,0001$). Брахиоцефал артерияларнинг гемодинамик аҳамиятга эгаторайишлари аниқланган беморлар тадқиқотга киритилмади. Улар қон-томир жарроҳлиги бўлимларига жарроҳлик аралашув масаласини ҳал қилиш учун юборилди. Уйқу артерияларини дуплекс сканнерлаш ва оқимларни рангли доплер карталаш услуги билан текширилганда, умумий уйқу артерияси бифуркация соҳасида 218 нафар бемордан 110 нафари (50,5%)да, асосан, гомоген, ўртача эхоген, локаллашган атеросклеротик бляшкалар аниқланди. Ушбу беморлар орасида 47 нафари (21,5%)да БЦАнинг бир томонида, 63 нафари (29%)да иккала томонида АСБ аниқланди. ИМК қиймати соғлом шахслар ва АГли беморларда ёшига пропорционал равишда ортди.

ЭхоКГ маълумотларига кўра ДЭ оғирлиги ортиши билан диастолик дисфункция Е/А нинг ортиши аниқланди ($p=0,003$).

Клиник кўрсаткичларнинг ДЭ босқичлари бўйича қиёсий таҳлилибаъзи бир кўрсаткичлар: АГ давомийлиги, САБ, ДАБ ишончли равишда ортиши ва ЮЗЛП ХС даражасининг пасайишини кўрсатди. Липид спектрини текшириш натижалари таҳлилида ЦВК бор 64,7% беморда дислипидемия аниқланди.


Артериялар қаттиқлиги даражасининг ДЭ босқичлари бўйича фарқлари кузатилмади. Икки томонлама АСБ ишончли равишда кўпроқ III босқичдаги ДЭ гуруҳида қайд этилди (38,0% ДЭ I даги 17,0% га қарши; $p=0,03$). Уйқу артерияларидаги ИМК қалинлиги барча беморларда меъерий қийматлардан юқори бўлмади. ДЭ босқичлари ўртасида қиёсий жиҳатдан ДЭ босқичи ортиши билан ИМК қийматининг ортиш тенденцияси аниқланди. АБСМ маълумотларига кўра ДЭ оғирлиги ортган сари «офис»даги АБ каби ўртача суткалик САБ ва ДАБ қийматлари ҳам ортган. АБСПнинг статистик аҳамиятга эга фарқлари ДЭнинг I ва III босқичлари ўртасида кузатилди. ДЭнинг юқори градацияларида САБнинг ортиш тенденцияси кузатилди. АБСМнинг абсолют қийматларидан (САБ, ДАБнинг ўртача суткалик қийматлари, кундузги ва тунги максимал ва минимал қийматлар) ташқари ЦВК бор АГли беморлар учун юқори АБ вақти ва майдони индексларининг ҳисоблаб чиқарилган кўрсаткичлари, вариабеллик кўрсаткичлари, АБнинг тунги пасайиши индекси, пульс босими диагностик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар нафақат касаллик кечишининг оғирлигини тавсифлайди, балки асоратлар ривожланиш хавфини башоратлаш имконини ҳам беради. Ҳозирги пайтга келиб кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдики, ўткир қон-томир асоратларининг максимал хавфи эрталабки соатлар (7.00 дан 9.00 гача)га тўғри келади. Эрталабки 6.00 дан 12.00 гача АБнинг кескин кўтарилиши, қон-томир тонусининг ортиши кузатилади, улар нейрогуморал ўзгаришлар (симпатоадренал ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизимларининг физиологик фаоллашуви, симпатик фаолликнинг ортиши ва парасимпатик фаолликнинг пасайиши)га мувофиқ келади. Олиб борилган ушбу тадқиқот натижаларига кўра САБнинг эрталабки кўтарилиш тезлиги ДЭ III бўлган беморларда ($25,2 \pm 17,5$ ммсим. уст./соат) ДЭ I бўлган беморларга ($16,9 \pm 8,5$ мм сим. уст./соат; $p=0,01$) нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги қайд этилди. ДЭ III гуруҳидаги беморларда ($21,7 \pm 17,0$ мм сим. уст./соат) ДЭ I беморларига ($14,8 \pm 8,6$ мм сим. уст./соат, $p=0,01$) нисбатан ДАБ эрталабки кўтарилиши тезлигининг юқорироқ қиймати тенденцияси кузатилди.

АГ асоратлари ривожланиш хавфини баҳолашда АБнинг тунги пасайиш даражаси кўрсаткичи ҳам муҳим мустақил аҳамиятга эга, чунки АБ суткалик бузилиши нишон аъзолар шикастланиши мавжудлиги кўрсаткичи ҳисобланади. АБ тунги пасайиш даражасининг миқдорий кўрсаткичлари деярли фарқларга эга бўлмади. АБ тунги пасайиш даражасининг таҳлили ДЭ I бошланғич босқичида ДЭ III босқичига нисбатан «диппер»лар устунлиги ва «найт-пиккер» беморлар сонининг ортиб боришини кўрсатди. ЦВК бор беморлар орасида «диппер»лар (39–17,9%), «найт-пиккер»лар (41–18,8%) ва «овер-диппер»лар (8–3,7%)га нисбатан «нон-диппер»лар кўпроқ кузатилди (130–59,6%; НШ 7,79; 95% ИИ 4,0–15,1; $p=0,0001$). ДЭ даражаси бўйича ушбу кўрсаткич таҳлил қилинганда барча гуруҳларда «нон-диппер»лар

кўпроқ учраши аниқланди: ДЭ 1 (56,9%; $\chi^2=51,0$; $p<0,0001$), ДЭ 2 (59,6%; $\chi^2=81,4$; $p<0,0001$) ва ДЭ 3 (62,0%; $\chi^2=84,3$; $p<0,0001$).

Ушбу беморлар орасида 47 нафари (21,5%)да БЦАнинг бир томонида, 63 нафари (29%)да эса икки томонида АСБ аниқланди. ИМК абсолют катталиги соғлом шахслар ва АГли беморларда ёшига пропорционал равишда ортди. Икки томонлама АСБ ДЭ III гуруҳида ишончли равишда кўпроқ қайд этилди (38,0% ДЭ I даги 17,0% га қарши; $p=0,03$).



1-расм. ДЭ босқичлари бўйича АБ тунги пасайиш даражасининг ўзига хос хусусиятлари.

ЭхоКГ маълумотларига кўра ДЭ оғирлиги ортиши билан диастолик дисфункция Е/А нинг ортиши ҳам аниқланди ($p=0,003$).

АБСМ маълумотларига кўра ДЭ оғирлиги ортган сари «офис»даги АБ каби ўртача суткалик САБ ва ДАБ қийматлари ҳам ортган. Бизнинг натижаларга кўра САБ нинг эрталабки кўтарилиши тезлиги ДЭ III бўлган беморларда ($25,2\pm 17,5$ ммсим. уст./соат) ДЭ I бўлган беморларга ($16,9\pm 8,5$ мм сим. уст./соат; $p=0,01$) нисбатан ишончли равишда юқори эканлиги қайд этилди. ДЭ III гуруҳидаги беморларда ($21,7\pm 17,0$ мм сим. уст./соат) ДЭ I беморларига ($14,8\pm 8,6$ мм сим. уст./соат, $p=0,01$) нисбатан ДАБ эрталабки кўтарилиши тезлигининг юқори рақамли қийматига тенденцияси кузатилди.

Шундай қилиб, АГ қон-томир мия етишмовчилиги ривожланиши ва тараққий этишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. АБСМни ўтказиш АБнинг бир қатор кўрсаткичлари тўғрисида қўшимча маълумот олиш, касаллик кечишини башоратлаш имконини беради.

Сурункали цереброваскуляр касалликлари бор беморлар учун нафақат систолик АБнинг юқори даражаси, балки АБ суткалик профили бузилиши: АБ вариабеллигининг ортиши, АБ тунги пасайиши ёки кўтарилишининг етарли эмаслиги, САБнинг эрталабки кўтарилиши тезлиги ва пульс артериал босими ҳам муҳим прогностик аҳамиятга эга. Уйку артериялари атеросклеротик шикастланишининг ифодаланганлиги ва қондаги холестерин миқдори артериал гипертонияда цереброваскуляр асоратлар оғирлиги

даражаси предиктори ҳисобланади. Гипертония касаллиги бор беморларда II ва III босқич дисциркулятор энцефалопатия ривожланиши қон оқимининг чизиқли тезлиги пасайиши, периферик қаршиликнинг ортиши ва вазоспазмга мойиллик ҳамда артериялар қаттиқлигининг ортиши билан намоён бўлди.

Беморлар клиник текшируви дисциркулятор энцефалопатия турли босқичларининг белгиларини аниқлаш ва диагностикасига йўналтирилди. Беморлардан сўраб-суриштирилгандан кейин (шикоятлар, анамнез) неврологик статусни текширишнинг клиник услуби қўлланилди. Беморларнинг объектив кўруви уларда, асосан, паришонхотирлик неврологик симптоматикаси устунлиги, кучли ўчоқли симптомларнинг йўқлигини кўрсатди. СЦВК босқичи ортиши билан ДЭ II ва III босқичларида ўчоқли ўзгаришлар: гиперрефлексия кўринишида пирамида синдроми, гипорефлексиялар ва рефлексларнинг асимметрияси умуман 33,0%, псевдобуляр синдром 7,8% ҳолатда, амиостатик (экстрапирамида) синдром эса 8,3% беморда аниқланди. 40,4% текширилганларда бармоқ-бурун, товонтизза синамаларини бажаришда қийналиш кўринишидагидискоординатор (вестибулоатактик) бузилишлар, Ромберг ҳолатида мувозанат бузилиши аниқланди. Гиперестезия кўринишидаги сезувчанликнинг бузилиши 2,9%, сезувчанликнинг асимметрияси 8,57% беморда қайд этилди. Шунини айтиш лозимки, неврологик синдромлар III босқичдаги ДЭли беморлар орасида ишончли равишда кўпроқ учради.

Магнит-резонанс томография натижалари ДЭ босқичининг ортиши билан ишемия миқдори ва ўлчамларининг ишончли даражада ортишини кўрсатди. Жадвалдан кўриниб турганидек, I босқичдаги ДЭли беморларда клиник симптомларнинг йўқлигига қарамай, асосан, субкортикал соҳада ишемия ўчоқлари аниқланди. Тадқиқотдан олинган маълумотларга кўра текширилганларнинг 100%ида турли даражада ифодаланган хавотирланиш синдроми ташхисланди. Реактив хавотирлик (РХ) умуман гуруҳ бўйича қуйидагиларни ташкил қилди: 3 нафар (1,4%) беморда паст даражада, 105 нафар (48,2%) беморда ўртамиёна даражада, 110 нафар (50,5%) беморда ифодаланган даражада. Бунда паст даражадаги шахсий хавотирлик (ШХ), 3 нафар (3,7%), ўртамиёна даражада – 55 нафар (25,2%) ва ифодаланган хавотирлилик 160 нафар (73,4%) беморда ташхисланди.

Артериал гипертония даражасига кўра психопатологик бузилишлар боғлиқлигини таҳлил қилганда АГнинг 2- ва 3-даражаларида энг юқори реактив хавотирлик аниқланди, шахсий хавотирлик эса ҳатто АГнинг 1- ва 2-даражаларида ҳам қайд этилди. 3-даражали АГда ҳам шахсий, ҳам реактив хавотирлик бир хил даражада яққол ифодаланганлиги кузатилди (60,7% ва 50,0%). АБнинг тунги пасайиш даражасига кўра психоэмоционал ҳолат хусусиятлари билан боғлиқлигини таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, «нон-диппер»лар, «овер-диппер»лар ва «найт-пиккер»ларорасида ифодаланган хавотирлик учраши ишончли равишда кўпроқ кузатилди ($\chi^2=68,56$; $df=2$; $p=0,000$). «Диппер» беморлар орасида енгил ва ўртамиёна даражадаги хавотирликка эга бўлганлар кўпчиликини ташкил қилди. Цунг шкаласи

бўйича депрессия барча текширилган беморларнинг 25,2%ида аниқланди. Депрессия, асосан, енгил ифодаланган даражада бўлган. АГ давомийлиги бўйича депрессиянинг мавжудлигини таҳлил қилишда касалланиш стажи катталашган сари депрессиянинг тезланиши ортиши қайд этилди. Энг юқори тезланиш касаллик давомийлиги 10 йилдан кўп бўлган беморларда кузатилди ($\chi^2=13,27$; $df=2$; $p=0,001$).

Когнитив бузилишлар 67,0% беморда қайд этилди, бунда улардан 57,3%ида деменциядан олдинги бузилишлар, 7,8%ида енгил даражада ифодаланган деменция, 1,8%ида ўртамиёна деменция аниқланди. АГ даражаси бўйича когнитив фаолиятнинг бузилишлари ифодаланганлигини таҳлил қилиш АГнинг 2- ва 3-даражаларида яққолроқ ифодаланган бузилишлар мавжудлиги, 1-даражали АГда эса 50,6% беморда бузилишлар қайд этилмаганлигини кўрсатди. III босқичдаги ДЭда 16,9% беморда енгил даражада ифодаланган ва 4,2% беморда ўртамиёна даражада ифодаланган деменция аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

ДЭ босқичлари бўйича когнитив фаолият бузилишлари (MMSE шкаласи)

ДЭ босқичлари бўйича когнитив фаолият бузилишлари (MMSE шкаласи)	Бузилишлар йўқ		Деменциядан олдинги бузилишлар, n/%		Енгил деменция		Ўртамиёна Деменция, n/%		
	n	%	n	%	n	%	n	%	
ДЭ 1	35	60,3	22	37,9	1	1,7			$\chi^2=45,67$; $df=2$; $p=0,000$
ДЭ 2	23	25,8	61	68,5	4	4,5	1	1,1	$\chi^2=137,03$; $df=3$; $p=0,000$
ДЭ 3	14	19,7	42	59,2	12	16,9	3	4,2	$\chi^2=64,06$; $df=3$; $p=0,000$
Жами	72	33,0	125	57,3	17	7,8	4	1,8	

ЦВК ривожланиши ва когнитив фаолият бузилишида АБ суткалик профилидан ташқари АБнинг тунги пасайиш даражаси ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, юқорида кўрсатилганидек, ЦВК бор АГли беморларнинг кўпчилигини «нон-диппер»лар ташкил қилди. Когнитив фаолият ҳолатини MMSE шкаласи бўйича таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, тунги вақтда САБ етарли даражада пасаймаган беморларда «нон-диппер»лар, «найт-пиккер»ларда когнитив бузилишлар яққолроқ ифодаланди.

Нон-дипперларнинг 102 нафариди (78,5%) деменциядан олдинги бузилишлар, 13 нафариди (10%) енгил ва 4 нафариди (3,1%) ўрта миёна деменция аниқланди. Диппер беморларда ифодаланган бузилишлар кузатилмади.

Олиб борилган ушбу тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мия қон айланишининг сурункали етишмовчилиги интеллектуал-мнестик бузилишлар билан бирга ҳам кузатилади. Хавфли томони шундаки, патологиянинг ушбу белгилари кўпчилиги ДЭ I–II чегарасида яширинча кечади ва врач беморларга эрта ёрдам кўрсатиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун СЦВК бор АГли беморлар учун когнитив бузилишларнинг прогностик ноҳушлигини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир АГли беморда, айниқса, СЦВК кўринишидаги асоратлар мавжуд бўлса, албатта, нейропсихологик текширувлар ўтказиш зарур.

Диссертациянинг «**Артериал гипертонияда цереброваскуляр патологиянинг номзод генлар полиморф маркерлари тақсимланиш хусусиятлари**» деб номланган ўртинчи бобида РААТ генлари: ACE, eNOs, шунингдек, АПОЕ гени полиморфизмларини ҳисобга олган ҳолда АГда цереброваскуляр етишмовчиликнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

ACE гени ID полиморф маркерининг ДЭ ривожланиши ва кечиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 91 нафар бемор ва 60 нафар соғлом шахс генотипланди. Текширилган ЦВК бор АГли беморлар орасида ACE гени ID генотиби (65,9%) бўлган шахсларнинг II (18,7%) ва DD (15,4%) генотибли шахсларга нисбатан ишончли равишда устунлиги аниқланди (НШ 3,75; 95% ИИ 2,03–6,92; $p < 0,0001$). Генотиплар ташувчилари орасида АГ ва ДЭ даражаси бўйича тақсимланишни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, II ташувчилари орасида АГ3 га (11,8%; $\chi^2 = 16,9$; $p < 0,0001$) нисбатан АГ1 (47,1%) ва АГ2 (41,2%) кўпроқ учради. ID ташувчиларининг ярмидан кўпроғида АГ3 қайд этилди (55,0%; $\chi^2 = 19,1$; $p < 0,0001$). Бу эса АГ1 (23,3%) ва АГ2 (21,7%) га нисбатан анча юқори. DD генотипини ташувчилар орасида АГ1 ли беморлар кузатилмади, бироқ АГ2 ли беморлар бироз кўпроқ эканлиги қайд этилди (64,3%; $\chi^2 = 1,29$; $p = 0,26$).

ACE гени генотиплари бўйича брахицефал қон томирларнинг ультратовуш доплерографияси натижаларини ўрганиш ID ва DD генотипларини ташувчиларда II генотипини ташувчиларга нисбатан уйқу артериялари интим-медиа комплекслари қалинлигининг ишончли ортишини кўрсатди ($p < 0,0001$). АСБ мавжудлиги бўйича қиёсий таҳлилга кўра ACE гени DD генотиби ташувчилари гуруҳида ҳам бир томонлама (57,1% 17,7% (II

генотип) ва 18,3% (ID генотип)га қарши; $\chi^2=9,81$; $p=0,007$), ҳам икки томонлама АСБ мавжудлиги (71,4% 29,4% (II генотип) ва 27,7% (ID генотип) га қарши; $\chi^2=10,3$; $p=0,006$) устун бўлган.

БЦА доплерографияси УТТ кўрсаткичларининг АСЕ гени аллеллари бўйича таҳлили D аллель ташувчилари гуруҳида интим-медиа индекси қалинлигининг ортишини кўрсатди ($p=0,07$). АСЕ гени D аллели ташувчиларида, шунингдек, чап томонда S/D қон оқими тезлиги нисбатининг камайиши ва ўнг ҳамда чап томонда Rіпериферик қаршилик индексининг пасайиши қайд этилди. Қаттиқлик индекси D аллелини ташувчиларда ишончли бўлмаса-да, юқори эканлиги аниқланди. D аллели ташувчиларида I аллель ташувчиларига нисбатан ҳам бир томонлама (21,6% 14,9% га қарши; $\chi^2=0,93$; $p=0,33$), ҳам икки томонлама АСБ мавжудлиги (29,6% 22,3%га қарши; $\chi^2=0,881$; $p=0,35$) бироз кўпроқ даражада қайд этилди.

ID ва DD генотипли беморлар гуруҳида II генотипли гуруҳга нисбатан ТГ ва ЖПЗЛП (жуда паст зичликли липопротеид)ларнинг ишончли даражада юқори қийматлари кузатилди (мос ҳолда $p=0,03$ вар=0,04).

Мухим кўрсаткичлардан бири АБнинг тунги пасайиш даражаси ҳисобланади, чунки АБнинг етарли даражада пасаймаслиги (<10%) цереброваскуляр асоратлар сонининг ортишига олиб келади. ЦВК бор АГли беморлар орасида «dippers» (13–14,3%), «over-dippers» (6–6,6%) ва «night-reakers» (12–13,2%)га нисбатан статистик аҳамиятга эга равишда «non-dippers» кўпроқ учраган (60–65,9%; НШ 3,75; 95% ИИ 2,03–6,92; $p<0,0001$). Ушбу кўрсаткич генотиплар бўйича таҳлил қилинганда барча гуруҳларда «non-dippers» устунлиги аниқланди: II (58,8%; $\chi^2=17,2$; $p<0,0001$), ID (66,7%; $\chi^2=75,2$; $p<0,0001$) и DD (71,4%; $\chi^2=21,7$; $p<0,0001$).

АГда цереброваскуляр касалликлар ривожланишига АСЕ гени I/D аллеллари билан боғлиқ тарзда таъсир кўрсатувчи мустақил омилларни аниқлаш учун кўпайтирилган логик регрессия модели қўлланилди. Унинг натижаларига кўра АГда цереброваскуляр касалликлар ривожланишининг мустақил предикторлари аниқланди. I аллель ташилиши ўртача кундузги САБ, ИМК қалинлиги, қон томирнинг резистив индекси (RI), қоринчалараро тўсиқ қалинлиги, ЧҚ орқа девори қалинлиги каби омиллар билан тесқари корреляцияга эга. D аллел ташилиши САБ, ТГ, ЖПЗЛП ХС каби АГнинг аъзо асоратлари ривожланиши, юрак-қон томир тизими ремоделланиши омиллари билан тўғри корреляцияга эга.

АРОЕ гени $\varepsilon 2/\varepsilon 3/\varepsilon 4$ полиморф маркерининг АГли беморларда ДЭ ривожланиши ва кечиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида 45 нафар ДЭ бор АГли бемор ва 59 нафар соғлом шахс генотипланди. АРОЕ гени $\varepsilon 3/\varepsilon 3$ гомозигота полиморфизми тўпланиши ҳам соғлом шахслар популяцияси орасида (78,0%; НШ 12,5; 95% ИИ 5,24–29,9; $p<0,0001$), ҳам ЦВК бор АГли беморлар орасида ишончли равишда устунлиги аниқланди (75,9%; ОШ 9,88; 95%ДИ 5,77–16,9; $p<0,0001$). $\varepsilon 3$ аллели ДЭли беморлар орасида ҳам (87,3%), назорат гуруҳида (87,3%) ҳамбир хилда қайд этилди, $\varepsilon 4$

аллели ишончли бўлмаса-да, назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ ДЭ бор беморлар орасида кузатилди (5,9%).

